

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


34.Канимкулов О.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....	278
35.Камолов Ж.М. ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....	286
36.Курязова Д. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ....	292
37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х. БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....	299
38.Исматова Н.К. ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....	307
39.Исматуллаев Ф.О. ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	319
40.Кадирова М.Т. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....	329
41.Каромов Ф.Ҳ. ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....	334
42.Мажидов Ш.Ф. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....	340
43.Мамадаминова Б. ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....	345
44.Mattiyev O'.B. TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUJJATLARIDA YORITILISHI.....	353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Курязова Дармонжон,
тарих фанлари номзоди, доцент
Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation: Kuryazova Darmanjan. ARCHAEOLOGICAL SITES OF UZBEKISTAN AND ISSUES OF THEIR PRESERVATION THROUGH MUSEIFICATION. Look to the past. 2020, SI, pp. 292-298

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-36>

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон моддий маданий меросини сақлашнинг ўзига хосликларини ўрганиш, ушбу ишнинг мақсадидир. Унда археологик объектларни тадқиқ этишнинг асосий аспекти кўриб чиқилди ва замонавий амалиётда унинг ўрни ва роли аниқланди. Шунингдек, мазкур ҳудуднинг археологик ёдгорликларини сақлаш ва музейлаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини олиб бориш зарурати назарий асослаб берилди.

Калит сўзлар: археологик объектлар, моддий маданий мерос, ёдгорлик, музейлаштириш, сақлаш, ўрганиш, қарор.

Курязова Дармонжон,
кандидат исторических наук, доцент
Национальный институт художеств и дизайна
им Камолиддина Бехзода,

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ОБЪЕКТЫ УЗБЕКИСТАНА И ВОПРОСЫ ИХ СОХРАНЕНИЯ ПУТЁМ МУЗЕЕФИКАЦИИ

Аннотация: Целью данной работы является изучение особенностей сохранения материального культурного наследия Узбекистана. Проанализированы основные аспекты исследования археологических объектов и выявлены его место, роль в современной практике. А также, теоретически обоснована необходимость проведения комплекса мер по сохранению и музеефикации археологических памятников данного региона.

Ключевые слова: археологические объекты, материальное культурное наследие, памятник, музеефикация, сохранение, изучение, постановление.

Kuryazova Darmanjan,
doctor of philosophy (Ph.D), docent,
The National institute of Arts and Design named after
Kamoliddin Behzod

ARCHAEOLOGICAL SITES OF UZBEKISTAN AND ISSUES OF THEIR PRESERVATION THROUGH MUSEIFICATION

ABSTRACT

The purpose of this work is to study the features of the preservation of the tangible cultural heritage of Uzbekistan. The main aspects of the study of archaeological objects are analyzed and its place and role in modern practice are revealed. And also, theoretically, the need for a set of measures for the preservation and museification of archaeological monuments of the region.

Index Terms: archaeological sites, tangible cultural heritage, monument, museumification, preservation, study, decree.

Долзарблиги. Ўзбекистон ўз археологик ёдгорликлари билан дунёда ўз ўрнига эга. Археологик ёдгорликлар, ушбу ҳудудда юксак цивилизацияга эга халқлар яшаганлигидан, қадимий маданияти юқори даражада бўлганлигидан далолат беради. Бизгача етиб келган археологик ёдгорликларнинг сони археологлар томонидан 8,5 мингга яқин деб тахмин қилинади. Бу рақамларга аниқлик киритиш учун, бу турдаги моддий маданий мерос ёдгорликлари тўлиқ кадастр қилиниши лозим, деб ўйлаймиз [1. - Б.232-234.]. Бугунги кунда маданий мерос объектларининг умумий сони 10 мингдан зиёд бўлиб, 7570 таси давлат муҳофазасига олинганлиги маълум. Улар қадимги меъморий ва археологик ёдгорликлар, ҳайкалтарошлик ва маҳобатли санъат асарлари, диққатга сазовор жойлар ва кўчма маданий мерос объектларидан иборат [2. - Б. 206-208.]. Таҳлиллар натижасида шу нарса маълум бўлдики, давлат ҳимоясига олинган объектларнинг 25 фоизидоғина муҳофаза белгилари - ёрлиқлар мавжуд.

Аксарият маданий меросларнинг кадастр ҳужжатлари йўқ, чегаралари белгиланмаган. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорнинг 2019-2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси"да қуйидаги вазифалар белгиланди: республика бўйича 50 та энг муҳим археология

ёдгорликларининг инновацион технологиялар асосида 3D моделини яратиш; Қорақалпоғистон Республикасидаги Акчахоан қалъа; Андижон вилоятидаги Мингтепа ва Қўштепа, Бухоро вилоятидаги Пойкент; Жиззах вилоятидаги Қалиятепа; Қашқадарё вилоятидаги Ерқўрғон, Навоий вилоятидаги Нурота қалъаси, Наманган вилоятидаги Қадимги Поп, Самарқанд шаҳридаги Афросиёб, Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ва Кампиртепа, Тошкент вилоятидаги Канка, Тошкент шаҳридаги Чилонзор Оқтепаси, Фарғона вилоятидаги Қува шаҳристони, Хоразм вилоятидаги Хумбузтепа археология ёдгорликларини консервациялаш ва музейлаштириш шулар жумласидандир.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тарихий-қийёсий ҳамда умумлаштирма таҳлиллар асосида хулосалар бериш, холислик, илмийлик, тарихий ёндашув, тизимлаштириш тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади. Шунингдек, тадқиқотнинг назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда маънавият, маданият, миллий мафкурага бағишланган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг музейларни ривожлантириш борасида қабул қилган қарорлари ташкил этади.

2. Тадқиқот натижалари:

Тадқиқотда келтирилган маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, унинг асосий хулосалари музейлар фаолиятини такомиллаштиришда, унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқишда, моддий маданий мерос ёдгорликларини музейлаштиришда қўлланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан музей ишида, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизимида маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Моддий маданий мерос ёдгорликлари, объектлари, санъат асарлари ва қадимги даврга оид осори-атиқаларни музейлаштириш, уларни максимал даражада сақланиб қолинишига имкон яратади ва уларнинг тарихий-маданий, илмий ҳамда бадиий қимматини очиб беради. Фикримизча, археологик ёдгорликларни, объектларни музейлаштириш, уларни келажак авлод учун сақлаб қолиш воситаларидан бири бўлиб, замонавий музей амалиётининг ажралмас қисмига айланган. Бу шароитда музейлаштирилган археологик ёдгорликлар, муҳим аҳамиятига эга бўлган моддий маданий мероснинг бир қисмига айланади. Археологик меросни музейлаштириш муамосини ечиш, бир неча билимлар тизими ва илмий фанларнинг боғлиқлигида, турли даража ва ихтисосликдаги мутахассисларининг, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ёрдамида юзага келади.

А.И.Мартиновнинг фикрига кўра, моддий маданий меросдан фойдаланишдаги жаҳон тажрибаси нафақат уни сақлаш, балки, замонавий ҳамжамият томонидан фойдаланилишида мужассамланади. Шулар асосида у, ягона янги тизимни яратиш зарурлигини таъкидлайди: моддий маданий мерос ёдгорликлари - музейлар - информაციон туризм - музей-туристик сервис ва музей-туристик бизнес дейди [3, С.13-22]. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудидаги моддий маданий мероснинг аксарият қисмини археологик ёдгорликлар эгаллайди. Бугунги кунда, уларнинг энг эътиборга моликларини музейлаштириш йўли билан сақлаб қолиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, археологик ёдгорлик, объектларни музейлаштириш учун аниқ бир метод ишлаб чиқилмаган. Чунки, уларнинг барчаси турли ҳолат ва кўринишларда бизгача етиб келган. Яъни, айримлари бир неча гектардан иборат майдонни эгаллаб, тарқоқ ҳолда сақланган, бошқалари яхлит композицион кўринишга эга, лекин унда бир неча

тарихий қатлам кузатилади ва ҳоказо.

Шунинг учун археологик ёдгорликларни музейлаштириш муаммоларини ишлаб чиқиш жараёнида, археологик объект, ёдгорликларни аниқлаш ва таснифлашда ўзига хос ёндошув зарур. Н.М.Булатов уларни қуйидагича ажратилиши ва характеристикасини таклиф қилади:

1. Археологик ёдгорликларга - шаҳарлар, қишлоқлар, қабристонлар, суғориш тизимлари, ишлаб чиқарув-хунармандчилик комплекслари киради. Бу ҳолда, археологик ёдгорлик ҳақида гапирилганда, қадимги одамларнинг яшаш жойи, уларнинг ижоди ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолияти, дафн қилинадиган жойлари билан боғлиқ комплексли иншоотлар назарда тутилади.

2. Археологик объектларга - археологик ёдгорликларнинг алоҳидаги иншоотлари ва археологик ёдгорликдан ташқари барча алоҳидаги иншоотлар киради. Археологик объект тушунчаси мазкур таснифлашга ёрдамчи тоифа сифатида киритилган, чунки, баъзи археологик ёдгорликлар - археологик объект тоифасига кириши мумкин ёки аксинча. Археологик объектлар - археологик ёдгорликнинг таркибий қисмига киради ва мустақил тарихий манба сифатида чиқиши мумкин.

3. Археологик топилмалар - мазкур тоифага археологик ёдгорлик ва объектларнинг ҳудудидан, ичидан топилган барча нарсалар, шунингдек, археологик ёдгорлик ва объектларнинг кўчириб бўладиган қисмлари киради [4, С. 81].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда археологик меросни сақлаш, музейлаштириш ва ундан фойдаланишнинг янада оптимал усулларини ишлаб чиқиш мумкин. Масалан битта яхлит ҳудудда турли хилдаги очиқ осмон остидаги музейларни, музей-қўриқхоналарни ташкиллаштира бўлади. Бундай ёндошувнинг моддий маданий меросни сақлашга нисбатан қўлланилишига оид кўп сонли чет элдаги археологик меросни сақлаш ва ундан фойдаланишга қаратилган амалий ишларини кузатиш мумкин: археологик парклар шулар жумласидан бўлиб, кўп ҳолларда тарихий - маданий меросни музейлаштириш дастурларини амалга оширишда атрофдаги табиат муҳитини қўллайдилар [5, С. 112].

Ўзининг методологик ечимига кўра, кўчмас моддий маданий меросни музейлаштириш муаммоси етарли даражада мураккаб ва турли-тумандир. Бу эса ўз навбатида, археологик мероснинг, кўп ҳолларда, анчагина мураккаб аҳволда бизгача етиб келганлиги билан боғлиқ. Умуман олганда, мазкур муаммо - нимани ва қандай музейлаштириш кераклиги аниқлангач, муваффақиятли ечилиши мумкин. Объект ёки буюмни музейлаштириш масаласининг икки хил ечими мавжуд. Биринчиси инсон фаолияти таъсири натижасида йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган деярли барча маданий ёдгорликларни ва ҳаттоки моддий маданий ландшафтларни музейлаштириш билан боғлиқ масала. Бунда тадқиқотчилар, музейлаштиришни йўқ бўлиб кетиш хавфи мавжуд ёдгорликни сақлаб қолиш имкониятларининг ягона имкони, деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, олимлар музейлаштирилган объектларнинг мавжудлиги ҳамда сонига қараб, жамиятнинг цивилизациялашганлигини аниқланишини таъкидлайдилар [6, С.13].

Иккинчи ечими эса, ёдгорликларни музейлаштириш учун танланадиган мезонларни аниқлаш тахмин қилинади. Ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, тадқиқотчилар, ёдгорликларнинг қуйидаги мезонларини аниқлаб, ягона ҳулосага келадилар: биринчидан, реконструкция қилиш учун ҳудуднинг аҳамияти, ёдгорликнинг нисбатан яхши сақланганлиги, ташқи репрезентативлиги, томоша қилишнинг қулайлиги ҳисобга олинади. Мазкур мезонлар, етарли даражада умумий

характерга эга бўлиб, шубҳасиз, конкрет шароитда ёдгорликларни музейлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиляётганда унга ўзгартиришлар киритилади.

Археологик ёдгорликларни музейлаштириш услубларини жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бир неча босқичга ажратиш лозим: аниқлаш; тадқиқ этиш, зарурат бўлса таҳлил қилиш; тиклаш ёки консервация ишларини олиб бориш; намойишни ташкил этиш яъни сақлов ҳудудларини тиклаш, экспозиция яратиш, экскурсион фаолиятни ташкил этиш кабилар. Шунингдек, музейлаштириш жараёнида археолог ҳамда музей илмий ходимларининг археологик ёдгорликка ёндашувларининг фарқини инобатга олиш лозим. Чунки, археологлар учун ёдгорликни максимал даражада аниқлаш ва тадқиқ этиш муҳим масала ҳисобланади. Кўп ҳолларда, қазилма ишлари олиб борилганда, тадқиқот жараёнида ёдгорлик жиддий талофат кўради. Музей ходимларининг вазифаси эса - аниқланган ёдгорликларни кўшимча равишда ҳар томонлама илмий жиҳатдан ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилишдан иборатдир.

Зеро, археологик тадқиқотларнинг методикаси ва музейлаштириш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги мураккаб муаммо бўлиб, фикримизча, музейлаштириш фойдасига ечилиши мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, археологик реставрация, археологик қазилмаларни сақлаш ва экспозициялашда маълум бир ягона метод ва ёндошув йўқ. Хар бир конкрет ҳолатда методларни танлаш, ёдгорликларни томоабинларга қандай намойиш қилинмоқчилигига, қандай илмий маълумотлар етказиб берилиши кўзда тутилганлигига боғлиқ. Бугунги кунда, жаҳон миқёсида қараладиган бўлинса, археология ёдгорликларининг қуйидаги музейлаштириш методлари амалда қўллаб кўрилган: Археологик объектнинг усти буткул ёпилади. Бу методнинг ёдгорликни сақлаб қолишдаги эффекти жуда катта бўлсада, қадимий манзилгоҳлар, шаҳристонлар, қишлоқларнинг устига ёпилган сунъий иншоотлар уларнинг умумий қиёфасига, атроф муҳиткўринишига бирмунча путур етказилади.

Кейинги методда археологик, стратиграфик, меъморий ҳолатларга иложи борица кам ўзгартириш киритилади. Бунда объект физик-кимёвий ёки қурилиш консервацион услубларига биноан фиксация қилиниб, узоқ вақтга сақланиши таъминланади. Лекин, шунини таъкидлаш жоизки, замонавий музейлаштиришнинг асосий муаммоларидан бири, нодир археологик ёдгорликларнинг қолдиқларини турли хилдаги қурилиш материаллари билан мустаҳкамлаб, асл қиёфасини бузилишидадир. Тадқиқот жараёнида маълум бўлишича, моддий маданий мерос объектларининг айримлари таъмирга муҳтож, муҳофаза ҳудудлари чегараланмаган, кадастр ҳужжатларида камчиликлар бор, муҳандислик коммуникация тармоқлари билан таъминланмаган.

Улар орасида бугун йўқолиб кетиш даражасига келиб қолганлари ҳатто йўқолиб кетганлари ҳам мавжуд. Масалан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани кесимида ўрганишлар жараёнида IV-VIII асрларга оид Олтинтепа ҳамда X-XII асрларда яратилган Шўртепа археологик ёдгорликларининг бугун фақат манзили, маҳалла, кўчалар номи қолгани аниқланди. Уларнинг ўрнида йўл ва бошқа иншоотлар қурилиб кетган. Юнусобод туманида жойлашган VII-VIII асрларга оид Оқтепа ёдгорлиги ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Бугун эса ёввойи ўт-ўланлар билан қопланган харобага, шаҳарнинг чиқинди ташлаш ҳудудида айланган. Қадимий тарихга эга бўлган тепалик ҳудудидан шахсий уй эгаларига ер ажратиб берилган, йўл ҳамда кўп қаватли уйлар қурилган.

Натижада бир пайтлар ҳудуди 70 гектар бўлган обидадан бугун тўрт гектари

қолган холос. Шундай ҳолатлар Юнусобод ва Сергели туманларидаги Шоштепа, Куйгайтепа, Учтепа туманидаги Фозилтепа, Миробод туманидаги Мингўриқда ҳам такрорланган. Соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишда фан ва инновацион технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланмаслик натижасида лойиҳалаш, реставрация-тиклаш ишлари моддий маданий мерос объектларининг ноёблигини сақлаб қолишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

4.Хулосалар:

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилган ҳолда, Ўзбекистоннинг моддий маданий меросини илмий жиҳатдан ўрганиш, сақлаш ва музейлаштириш, бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Хозирги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий - маданий ҳаётида урбанизация, инновация жараёнлари кучая бошлади.

Бу жараёнлар ўз навбатида археологик ёдгорликларнинг аста - секин йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин. Лекин, келажак авлод учун ана шу йўқ бўлиб кетаётган ажойиб лойиҳаларга эга бўлган археологик объектларни, ёдгорликларни сақлаб қолиш зарур. Бунинг учун жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда уларни музейлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Музейлаштириш муаммоси замонавий музей амалиётининг ажралмас қисми бўлиб қолимоқда ва жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди.

Иқтибослар/Сноски/References

1.Бердимуродов А., Раимқулов А. Археологик мерос: уни асраб-авайлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. //Тафаккур. - Тошкент, 2011. - Б.232-234. (Berdimurodov A., Raimkulov A. Archaeological heritage: preserving it is our civil duty to all. History and culture of Uzbekistan. // Thinking. - Tashkent, 2011. - P. 232-234.)

2.Абриев Р.Б. Ўзбекистонда маданий мерос объектларини таъмирлаш ва қайта тиклаш тарихини тадқиқ этишнинг долзарб масалалари. //Ўзбекистондаги замонавий ижтимоий-маданий жараёнларни ёритишда ижтимоий тарихнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжуманлари материаллари. Тошкент. 2015. - Б. 206-208. (AbrievR.The B. Current issues of research on the history of restoration and restoration of objects of cultural heritage in Uzbekistan. //The role of social history in the coverage of modern socio-cultural processes in Uzbekistan. Materials of the Republican scientific and practical conferences. Tashkent. The 2015. - P. 206-208.)

3.Мартынов А.И.Сохранениеи использование археологического наследия России-проблема национальная //Сохранение и изучение культурного наследия Алтайского края. Барнаул: Азбука, 2001. Вып. XII. - С. 13-22.(Martynov A.I. The conservation and use of the archaeological heritage of Russia is a national problem // Preservation and study of the cultural heritage of the Altai Territory. Barnaul: Alphabet, 2001. Issue. XII. - P. 13-22.)

4.Булатов Н.М. Принципы организации археологических музеев-заповедников. // Вопросы охрны, реставрации и пропаганды памятников истории и культуры. Вып. 3. НИИК. Труды 28. - М., 1975. - С. 81. (Bulatov N.M. The principles of the organization of archaeological museum reserves. // Issues of protection, restoration and propaganda of historical and cultural monuments. Vol. 3.NIИК.Proceedings 28. - М., 1975. - P. 81.)

5.Ahrens C. WiederaufgebauteVorzeit. ArchaologischeFreilichtmuseen in Europa.1990.

112 p.;

6.Алексеев В.П. Музееведение, музеефикация, культура // Вестник музейной комиссии. - М., 1990. - С.13. (Alekseev V.P. Museology, museumification, culture / / Bulletin of the Museum Commission. - M., 1990. - P.13.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000